

## Навоийда янги йўналишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 10 январда имзолаган “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори ижроси юзасидан Навоий вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қарорда янги автобуслар сотиб олиш ва автопаркларни янгилаш билан биргаликда янги йўналишлар очиш ҳам кўзда тутилган.

Жумладан, Навоий вилояти, Учқудуқ туманида фаолият кўрсатаётган “Учқудуқ Қимиз” МЧЖ томонидан ўзига бириктирилган ВХЙТ 507-сонли “Учқудуқ - Навоий” йўналиши очилиб, енгил автомобиллар қатнови йўлга қуйилди. Ўз ўрнида корхонада 30 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, вилоятнинг Навбахор туманидаги “Кармана автоэкспресс” МЧЖ томонидан ВХЙТ-514 “Зарафшон-Навоий” шаҳар атрофи йўналиши буйича ҳам янги йўналиш очилди. Ушбу йўналишда 20 та микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилиб, корхонада янги 20 та иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати